АСЛИЯТ УСЛУБИНИ ҚАЙТА ЯРАТИШ ВА ТАРЖИМА АДЕКВАТЛИГИ

Д.Ҳ.Қуронов

Мақолада Э.Радзинскийнинг “Қонсираган илоҳлар” асарининг ўзбек тилига таржимаси мисолида аслият услубини қайта яратишнинг таржима адекватлигини таъминлашдаги аҳамияти ёритилган.

***Калит сўзлар**: таржима, услуб, нотиқлик нутқи услуби, жумла қурилиши, парцеллятив бўлак.*

В статье на примере перевода исторического эссе Э.Радзинского “Берегитесь, боги жаждут!” на узбекский язык рассмотрена роль воссоздания стиля оригинала в обеспечении адекватности перевода.

***Ключевые слова**: перевод, стиль, стиль риторической речи, синтаксическое построение, парцеллятивный член предложения.*

Based on the Uzbek translation of E. Radzinskiy’s ‘The bloodthirsty spirits’ the article discusses the importance of recreation of the authors style in the process of translation and in the provision of adequate translation.

***Key words**: translation, style, style of Rhetoric, syntactic structure, parceled part of the sentence.*

“Жаҳон адабиёти” журнали дунё адабиёти, фалсафаси, илм-фанининг нодир намуналари билан таништириш орқали миллат маънавиятини юксалтириш, миллий бадиий ва ижтимоий тафаккурини ўстиришда муҳим аҳамиятга эга. Дунё юзини кўрганига йигирма йил бўлган журнал бу борада кўп хайрли ишларни амалга оширди. Деганим, журнал фаолияти улуғ устозларимиз шундай журнал ташкил бўлишини орзулаб юрганларида кўнгилларига туккан ниятларни бир-бир рўёбга чиқараётирки, бунинг учун энг аввал таҳририят ходимларига, журнал ишида иштирок этаётган мутаржимлар ва муаллифларга таҳсин айтмоқ керак бўлади. Бироқ, билмадим, яхши бўлгани сари янаям яхшироқ бўлишини тилашдек инсоний ожизликданми, нимадир етишмаётгандек, ҳали жиддий етишмовчиликлар бордек туюлаверади. Хуллас, ич-ичимда қониқмаслик ҳисси ўринлашган-да, рости, неча йиллардан бери ундан фориғ бўла олмай келаман. Сабабини сўрасангиз, оддий – журнал эълон қилган асарларнинг кўпини аввал рус тилида ўқиганим учунми, уларни ўзбекча мутолаа қилганимда недир қониқмаслик қолаверади.

Журналнинг 2017 йил 6-сонида Э.Радзинскийнинг “Берегитесь, боги жаждут!” номли асари Жамолиддин Сафоев таржимасида “Қонсираган илоҳлар” номи билан чоп этилди. Асар муаллифи – кўпчиликка телевидение орқали таниш, ўзининг нотиқлиги билан шуҳрат топган, нотиқлик санъатининг ҳадисини олганлардан экани кўпчилик томонидан эътироф этилган одам. Буни эслатаётганим бежиз эмас. Гап шундаки, Э.Радзинский тарихий-публицистик асарларининг кўпини ўқиб беришни кўзда тутган ҳолда ёзган, яъни улар НУТҚ ўлароқ дунёга келган. Айни ҳол уларнинг нутқий қурилиши жиҳатидан ўзига хос бўлишини, биринчи навбатда, жонли нутққа яқин бўлишини тақозо этади. Шу боис ҳам, масалан, биринчи жумла қуйидагича тузилган: “Через несколько лет после революции, в тысяча восемьсот третьем году, скончался Жан Франсуа де Лагарп”. Кўряпмизки, жумла ажратилган бўлак билан мураккаблашган содда гап шаклида. Хўш, нима бўпти? Умуман олганда, парцеллятив конструкциялар (ажратилган бўлаклар, киришлар, ундалмалар, модал бирликлар) билан мураккаблашув жонли нутққа хос. Бунинг аҳамиятини биринчи жумла мисолида кўриб ўтамиз. Жумлани вақтни тақрибан айтиш (“инқилобдан бир неча йил кейин”) билан бошлаш орқали ўқувчи шуурига гўё “вақт эмас, содир бўлган ҳодиса муҳим” деган сигнал юборилади. Шунинг ортиданоқ вақтнинг аниқлаштирилиши (“бир минг саккиз юз учинчи йилда”), бир томондан, тингловчига етказиш кўзланган информация асоси (Лагарпнинг ўлими)нинг етказилишини секинлатади (бу билан тингловчининг қизиқиши янада кучайтирилади, яъни “қулоғи динг бўлади”), бироқ вақт аниқлаштирилгандан кейин айтилган хабар ўқувчи кутганча эмас (“Хўп ўлибди, нима бўпти шунга? Ким ўзи у?!”). Яъни ўқувчи кутишда давом этади, энди кейинги жумлага жавоб кутиб қулоқ беради.

Ҳозирча кейинги жумлани қўя турайлик-да, биринчи жумланинг таржимасига диққат қилайлик: “Инқилобдан бир неча йил ўтиб, 1803 йил Жан Франсуа Лагарп вафот этди” [5]. Бизнингча, таржимада аслият жумласида кўрганимиз психологик таъсир механизми тамом издан чиққан. Сабаби, аслият услубининг қайта яратилмагани, аниқроғи, жумла қурилишининг ўзгаргани. Ўзгариш шунда-

ки, биринчидан, вақт ҳоли ажратилмаяпти (асли бу ерда грамматик ва пунктуацион хато бор), иккинчидан, сананинг рақамлар билан берилгани ўқувчининг ажратилганликни (грамматик хатога қарамасдан) ҳис қилишга монелик қилади. Агар жумла ўзбекчага “Инқилобдан бир неча йил ўтиб, бир минг саккиз юз учинчи йилда, Жан Франсуа Лагарп вафот этди” шаклида ўгирилса эди, услубан адекват бўлишдан ташқари, кейинги жумла билан алоқаси ҳам, қабул қилиниши ҳам аслиятга яқин бўлур эди.

Шу йўсин давом этамиз. Демак, нотиқдан тингловчи биринчи жумла пайдо қилган (“Хўп ўлибди, нима бўпти шунга? Ким ўзи у?!”) саволга жавоб кутади, шуни билган ҳолда у айтадики: “Был он известным писателем и воинствующим атеистом в молодые годы”. Ушбу жумла “У таниқли ёзувчи ва ёшлик чоғлари ашаддий дахрийлиги билан ном чиқарган эди” шаклида таржима қилинган. Аввало, таржимада яна услуб, аниқроқ айтсак, ифода сиқиқлиги йўқотилган; иккинчидан, мазмун ўзгарган: “ёшлик йиллари ашаддий дахрий бўлган” ўрнига “ёшлик чоғлари ашаддий дахрийлиги ***билан ном чиқарган эди***” дейилмоқда, яъни аслиятда йўқ нарса даъво қилинмоқда. Иккинчидан, аслиятда “был он” тарзидаги инверсия кесимни уюшган тўлдирувчиларнинг иккисига гўё навбатма-навбат тааллуқли этади, яъни “**был он** известным писателем... **был он** воинствующим атеистом в молодые годы”. Демак, жумла ўзбекчага “У – таниқли ёзувчи, ёшлик йиллари ашаддий дахрий бўлган” деб ўгирилса эди, ўзидан аввалги гап изоҳи эканлигига мос шаклни олган бўлур эди.

Бироқ мазкур жавоб ҳам Радзинскийнинг тингловчиси – муайян тайёргарликка эга кишини қониқтириш учун кам, унинг ҳафсаласи пир бўла бошлайди (“Ёзувчидан кўпи борми? У даврда дахрий бўлмаган кас қолганмиди ўзи?!”). Худди шуни сезгандек (албатта сезган, аниқроғи, ўзи тингловчи ҳисларни бошқаряпти-ку!), нотиқ айтадики: “Но много претерпел в революцию и умер глубоко верующим человеком”. Сезган бўлсангиз, бу гап тингловчининг саволига қисман жавоб (“Ҳаа, чигал тақдирли одам экан-да!”) бўлиши билан бирга, унинг қизиқишини кучайтириши керак. Негаки, у “дахрийнинг художўйга” айланиш жараёнидаги эврилишларни умумий тарзда тасаввур қилади. Жумланинг ўзбекча таржимаси, афсуски, аслиятдаги жумла функцияларини бажара олмайди: “Инқилоб саросималарида бошидан кўп машаққатларни ўтказиб, динга қаттиқ ихлос ва эътиқод билан дунёдан кўз юмади”. Аввало, аслиятда бу жумла “но” боғловчиси билан бошланиб, мазмунан аввалгисига очиқ зидланган (“ашаддий дахрий” – “художўй”) эдики, таржимада бу фақат умумий мазмундан англашилади. Иккинчидан, бунда ҳам кўпсўзлилик, ифода сиқиқлигининг йўқолиши кузатилади. Жумла “Бироқ инқилобда кўп шўришларни бошдан ўтказиб, жуда художўй бўлиб оламдан ўтди” шаклида берилганида, бизнингча, аслиятга мосликка, хусусан, жумлараро мазмуний алоқаларни тўғри беришга кўпроқ эришиларди.

Ниҳоят, тингловчида Лагарп шахсига бироз қизиқиш уйғотгач, асосий гап – унинг ўлимидан сўнг қоғозлари орасидан топилган қўлёзма хабари берилади: “В его бумагах после смерти нашли загадочный текст, весьма взволновавший Европу”. Айни жумла билан нутқнинг муҳим композицион бўлаги – абзац ниҳоясига етади. Одатда, энг асосий (яъни мавзуни белгиловчи асосий хабарни етказаётган) гап биринчи планга – абзац боши ё охирига қўйилади. Бизда иккинчи ҳол: нотиқ тингловчи диққатини асло сусайтирмасдан, қизиқишини кучайтириб бора-бора охирида асосий хабарни беряптики, бу билан энди нутқнинг давомига қизиқиш (“Қандай қўлёзма? Нимаси сирли?..”) уйғотилади. Аввало, ушбу жумла таржимасида ҳам кўп сўзлилик кузатилади: “Ўлимидан сўнг унинг қоғозлари ичидан бутун Европани қаттиқ ҳаяжонга солган бир сирли матнни топишади”. Иккинчидан, аслиятдаги жумлада сифатдош обороти билан ифодаланган ажратилган аниқловчи борки, у гапдаги одатий позицияси ўзгаргани (аниқланмишдан кейин келади) боис ажратилган. Бу нарса гапдаги энг муҳим хабар – “сирли матн”ни урғули позицияга чиқариш, яъни урғулашга хизмат қилган. Таржимада эса урғулаб ўтирилмайди – шунчаки бир текис хабар берилади, натижада аслиятдаги нотиқ интонацияси, демакки, унинг ўзи етказаётган хабарга муносабати ҳам, тингловчиси билан мулоқотининг ўзига хослиги ҳам изсиз йўқолади. Бизнингча, агар жумла “Ўлимидан сўнг қоғозлари орасидан сирли бир матн топилдики, у Европани кучли ҳаяжонга солди” шаклида ўгирилганида, йўқотиш камроқ бўлур эди. Тўғри, бу ҳолда аслиятдаги содда гап қўшма гапга айланади, бироқ шу ҳисобга нутқдаги фикр оқими ва интонацияни аслига яқин бериш имкони яратилади.

Дастлабки абзац ҳақида айтилганлар, бизнингча, таржиманинг энг асосий қусури – муаллиф услубининг аслига мувофиқ берилмаганини етарлича кўрсатади. Таассуфки, бу қусур ҳозир фаолиятдаги кўпчилик мутаржимларга хос бўлиб, бугунги кунга келиб таржима амалиёти ва таржимашунослигимиз жиддий эътибор бериши тақозо этилаётган долзарб масалага айланиб қолди. Ҳолбуки, бадиий таржимада, айниқса, бу масала ҳамиша алоҳида эътиборда туриши лозим келади. Зеро, таржимада муаллиф услубининг йўқо-

лиши – унда муаллиф шахсининг адекват акс этмаслиги, демак, асарнинг чала (яъни таглама мақомида) ўгирилганига далолат қилади.

Энди ўзбек тилига таржималарда одатий бўлиб қолган яна бир қусур – қисман услуб билан ҳам боғлиқ бўлган аслият жумла қурилишининг адекват берилмаслигига тўхталсак. Жумладан, таржимонларимиз ҳеч иккиланмай қўшма гапларни бир неча содда гапларга ажратиб юбораверадиларки, чамаси, улар бунинг ҳеч бир зарари йўқ деб ҳисоблайдилар. Ҳолбуки, жумланинг синтактик қурилиши фикрнинг ўзига хос оқими, динамикасини, нутқнинг интонацион хусусиятларини ўзида намоён этади.

Масалан, “Беседовали о том, о чем тогда говорили повсюду – от последней лакейской до герцогских дворцов: о Вольтере, Дидро, Руссо, Монтескье” жумласи иккита содда гап (шулардан бири мураккаблашган)дан таркиб топган қўшма гап бўлса, таржимада у иккита алоҳида содда гап шаклида берилган: “Суҳбат хизматкорлардан тортиб, герцоглар саройларигача – барча-барча гапириб юрган мавзуда эди. Улар дастлаб Вольтер, Дидро, Руссо, Монтескье ҳақида баҳс-мунозара юритишади”. Аввало, бундай таржима аслият мазмунига мувофиқ келмайди. Жумладан, “Вольтер ... ҳақида баҳс-мунозара юритишади” дегани аслиятда йўқ, бунинг устига, “дастлаб” сўзининг қўлланган ортидан “сўнг”ни тақозо қилади (бу талаб қондирилмаган). Муҳими, матнда йўқдан бор қилингани етмаганидек, бу сўз билан пайдо қилинган талаб (бу талаб ўқувчи онгида пайдо бўлган, яъни у “дастлаб”ни эшитибоқ “сўнг”ни кутган) қондирилган эмас. Муаллиф “лакейхоналардан герцог қасрларигача” деса, таржимада “хизматкорлардан герцог саройларигача” шаклида ўқиймиз, яъни “жойдан жойгача” қолипи “бу тоифадан – мана бу тоифа турар жойигача”га ўзгаргани мантиқий ғализлик келтириб чиқаради. Аслиятда “ҳамма ерда гапирилиб турган мавзу” (яъни гапирувчилар мавҳум, феълнинг мажҳул нисбатдалиги шундан) дейилса, таржимада “барча-барча гапириб юрган мавзу” деб ўқиймизки, бунда ҳам мазмун-моҳият ўзгарганини сезиш қийин эмас. Ниҳоят, таржимада иккала содда гапнинг ўзаро алоқаси ҳам аслида йўқ мазмунни келтириб чиқаради: гўё ҳамма гапириб юрган мавзуда суҳбат кетаётган эди-да, сўнг Вольтер ва бошқалар ҳақида баҳс-мунозара бошланди.

Аслият билан таржима орасидаги айрим номувофиқликларга дуч келганингда эса “кулишингни ҳам, йиғлашингни ҳам билмайсан” дея таърифланувчи ҳолат юзага келади. Масалан, аслиятдаги “Цитировали “Девственницу” “бога неверия” Вольтера (как его тогда почтительно называли)” жумласи “Вольтернинг “суюқоёқ илоҳа” (ўшанда уни шундай аташарди) ҳақидаги “Бокира”сидан иқтибослар келтиришади” деб ўгирилган. Муаллиф ўз даврида Вольтерни “дахрийлик худоси” деб атаганларини айтган, таржимада бу бирикма ўрнига қайдандир пайдо бўлган “суюқоёқ илоҳа” бирикмаси “Бокира”га боғланади. Бу ўринда Вольтернинг “Орлеан бокираси” асари назарда тутилаётган экан, гап Жанна д`Арк ҳақида. Шундай бўлса, ижодий ёндашган таржимон унга “суюқоёқ илоҳа” сифатини ўзи бераётган бўлиб чиқадими?! Албатта, таржимоннинг “Орлеан бокираси”ни ўқигани, Вольтер дахрийлик адабиётининг чўққиси саналувчи ушбу ҳажвий поэмасида Жанна д`Аркнинг қаҳрамон ўлароқ талқин этилишига тамом зид йўлдан борганини билгани жуда яхши. Алоҳида олинса, у бераётган сифат Вольтер поэмада яратган образга лойиқ ҳам. Бироқ, аслиятда гап умуман бошқа нарса ҳақида бораётганини эътиборга олсак, таржимада у тамоман ўринсиз. Аслиятда гапнинг давомида келган “вспоминали строчку Дидро “Кишкой последнего попа последнего царя удавим” жумласи “Дидронинг “Охирги попнинг ичаги ичра сўнгги подшони кўрамиз” деган сатрларини эслашади” тарзида ўгирилган. Дидроники деб тақдим қилинаётган ушбу мисрани ўқиган журналхоннинг “Дидро-Дидро дейишади, бу қип-қизил телба экан-ку!” дея ўйлаб қолиши ҳеч ажабланарли эмас. Тўғри-да, ахир, қандай қилиб бировнинг ичаги ичра бошқа бировни кўриб бўлади?! Ҳолбуки, аслиятга кўра, Дидро “Охирги попнинг ичаги билан сўнгги подшони бўғиб ўлдирамиз!” деган.

Тағинам билмадим-у, аммо таржимани ўқиркан, баъзан хаёлга “бир бўлса, мутаржимнинг иш услуби ўзига хос, яъни аввал бир абзацни тўлиқ ўқиб, сўнг унинг мазмунини ўзбекча баён қилади, чоғи” деган ўйлар келади. Негаки, бундай қарасанг абзац мазмуни тўла берилгандек, лекин аслиятга мувофиқликдан йироқ бўлаверади. Юқорида кўриб ўтилганлардан бошқа ҳам мисоллар кўп. Мисол учун қуйида яна битта абзацнинг асли билан таржимасини қиёслаб кўрамиз.

Аслиятда: “И тут в разговор вступил Казот. Это имя тогда было на слуху. Автор очень популярного мистического романа “Влюбленный дьявол”. Но, главное, за Казотом тянулась темная слава предсказателя. Говорили, будто после “Влюбленного дьявола” и начались его пророческие видения”.

Таржимада: “Худди шу жойда суҳбатга Казот аралашди. Одамлар орасида жуда машҳур бўлиб кетган “Ошиқ бўлиб қолган шайтон” мистик романининг муаллифи сифатида унинг номи ҳамманинг тилида эди. Энг муҳими, гап бунда ҳам эмасди. У машъум башоратчи сифатида ном чиқарган-

ди. “Ошиқ бўлиб қолган шайтон” асаридан кейин башоратли шарпалар унинг борлиғини қамраб олган, деган гаплар юрарди”.

Эътибор берилса, иккинчи ва учинчи гаплар таржимада бирлаштириб юборилганини кўриш қийин эмас. Умуман олганда, гаплар мазмуни ҳам тўлиқ, ҳатто ортиғи билан етказилган каби. Шундайку-я, лекин асосий эътироз ҳам энг аввал ўша “ортиғи билан”га-да! Аслият аввал Казотнинг “номи кўпчиликнинг тилига тушгани”дан хабар беради, шундан сўнг “ғоят машҳур роман муаллифи” экани айтилади. Ҳар икки жумлада ҳам алоҳида факт қайд этилади, холос, бу фактларнинг ўзаро алоқаси айтилмайди, муносабатдор ҳам этилмайди (яъни романни ёзгунига қадар ҳам унинг номи тилга тушган бўлавериши мумкин). Таржимон эса бу икки жумлани сабаб-натижа муносабатида боғлайдики, натижада Казот романи туфайли машҳур бўлган, деган хулоса келиб чиқади. Бу эса аслиятда йўқ нарса, демак, таржимоннинг ўзидан қўшилган дейиш мумкин. Таржимадаги учинчи гап (“Энг муҳими, гап бунда ҳам эмасди”) аслиятда умуман йўқ, бунинг устига, ўзбекча матнда умуман ортиқча, ҳатто, зарарли ҳам – мантиқий ғализлик келтириб чиқаради. Яна Казот романни ёзгандан кейин “башоратли шарпалар унинг борлиғини қамраб олган” дейилгани ҳам мутаржим ижодидан (бизда “одамлари бор” деб қўйишади-ку, шундан гула кўтарилган чамаси). Қизиғи, ўзидан қўшгани ҳолда, аслиятда мавжуд муҳим деталлар таржимада тушириб қолдирилади. Дейлик, аслиятда охирги гапдаги информация “эмиш” (“будто”) мақомида тақдим этилган, таржимада эса бу акс этмай қолган. Ёки аслиятда тилга олинган Казотнинг “Влюбленный дьявол” романи номи таржимада “Ошиқ бўлиб қолган шайтон” шаклида берилган. Ҳолбуки, ғарб адабиётидаги “дьявол”, “демон” сўзларини бизда кўпроқ “иблис” шаклида ишлатиш анъанаси мавжудки, бу билан бизнинг адабий-маданий анъанадаги шайтондан фарқланади. Иккинчидан, бу тарз шакллантирилган ном романга хос эмас. Шунга кўра, асар номи “Ошиқ иблис” деб қисқароқ шаклда берилгани тўғри бўлади. Хуллас, кўриб ўтилган абзац таржимаси юқорида ҳам қисман эътибор қилганимиз – таржима амалиётида кўп кузатилаётган аслиятдан чекиниш, мазмунни ўгирган ҳолда матн ортида турган субъектни, унинг ўзига хос нуқтаи назари, ҳиссий-муносабати ва баҳосини ифодалашга етарли аҳамият бермаслик каби камчиликлар одат тусига кириб, одатий ҳолга айланиб бораётганидан далолат беради.

“Қонсираган илоҳлар” таржимаси ҳақида айтилган гаплар, аслида, ҳозирда рус тилидан қилинаётган таржималарнинг аксариятига нисбатан ҳам айтилиши мумкин. Афсуски, бу таржимачилигимизда аҳвол у қадар яхши эмаслигидан далолат. Шу даражадаки, бир ойда бир чоп этиладиган журнални сифатли таржималар билан таъминлаш учун ҳам етарли кучларга эга эмасмиз деган ўй келади кишига. Таржимашуносликнинг аҳволи ҳам бундан яхши эмас: Ғайбулла Саломовдан сўнг у асос солган мактаб ҳам тарқаб кетдими, ҳартугул, бадиий таржима масалаларини ўрганувчи олимлар ҳам, унинг долзарб масалаларини ёритувчи пишиқ илмий мақолалар ҳам, янги таржима асарлар таҳлилига ихтисослашган танқидчилар ҳам йўқ ҳисоби. Токи йўқотилган нарсаларни тикламас эканмиз, бу борада жиддий силжишдан умид қилмаса ҳам бўлади. Соҳада ўзгариш ясаш – ғоят муҳим вазифа, зеро, бу миллат маънавий камолоти, маърифий юксалишида бағоят катта аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Комиссаров В.Н. Общая теория перевода. Проблемы переводоведения в освещении зарубежных ученых. – М.: ЧеРо, 1999. – 135с.

2. Досбаева Н.Т. Воссоздание художественного стиля при непосредственном переводе // Вестник ЧелГУ.- 2010.- № 21. Вып. 45.- С.19-22

3. Умерова М.В. Полноценность и адекватность перевода в современном переводоведении. // Федоровские чтения.- М.: Наука, 2007.- 528 с.

4. Радзинский Э. Берегитесь, боги жаждут! – М.: АСТ, 2015.- 352 с.

5. Радзинский Э. Қонсираган илоҳлар // Жаҳон адабиёти.- 2017.- № 6.- Б.25-65

Андижон давлат университети,
2017 йил 4 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ҳ.Каримов)